



ПЛАСТИК МАТЕРИАЛЛАР ЁРДАМИДА ДИДАКТИК АШЁЛАР ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИКАСИГА ОИД ТАЖРИБАЛАР

Валижон Қодиров¹, Ойбарчин Маҳмудова²

¹Андижон давлат университети профессори, педагогика
фанлари доктори

²Тошкент давлат педагогика университети доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6378706>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01-mart 2022

Ma'qullandi: 10-mart 2022

Chop etildi: 14-mart 2022

KALIT SO'ZLAR

пластик материаллар,
полимер лой, чинни
хамир, моделлаштириш,
образ яратиш,
комбинациялашган услуб,
техник усуллар.

ANNOTATSIYA

Мақолада пластик материаллар билан ишлашда моделлаштириш орқали дидактик материаллар тайёрлаш методикасига оид тажрибалар баён этилган. Полимер лой ҳамда чинни хамир ёрдамида машғулотлар учун дидактик ашёлар тайёрлаш жараёни, у билан боғлиқ тафсилотлар ёритилган.

Пластик материаллар билан ишлаш тасвирий санъатнинг бир тури ҳисобланиб, ҳажмли ёки рельефли образлардан бутун композиция яшаш тушунилади. Бу материаллардан мактабгача таълим ташкилотлари машғулотларида дидактик восита сифатида фойдаланишнинг кенг имкониятлари мавжуд. Бунда тарбиячи, бир томондан, машғулоти учун керакли бўлган дидактик ашёни мақсадга кўра ўзи тайёрлайди, иккинчи томондан, тарбияланувчиларни яшаш, ижод қилиш жараёнига жалб қилиб, уларнинг ақлий, жисмоний ва руҳий ривожланишига туртки беради. Фаолиятга киришишдан олдин аввало машғулотни моделлаштириб олиш лозим бўлади. Моделлаштириш – бадий ижодиётнинг энг аниқ шакли, унда бола яратган нарсасини нафақат кўради, кўлига

олади, пайпаслайди, керак бўлса ўзгартиради. Моделлаштириш техникаси турли ва ранг-баранг бўлиб, шу билан бирга кичик ёшдаги болалар ҳам бажара олиш имкониятига эгадирлар[1,65].

Фазовий-пластик тасвирларни моделлаштиришда пластик материаллардан нарсалар яшаш ажойиб имкониятларни беради. Моделлаштиришнинг асосий асбоби қайчи, қалам ёки мўйқалам эмас, балки кўл, тўғрироғи, икки кўлимиздир, шу сабабли маҳорат малакаси кўлларга эгалик даражасига боғлиқ. Тўғри тайёрланган чинни хамир ўзининг хоссасига кўра юмшоқ, илашувчан, яхши текисланиш ва исталган шаклга кириш хусусиятига эга бўлади. Бу материал билан ишлаш учун чуқурлаштирилган махсус билим ва кўникмалар шарт



эмаслиги, мактабгача ёшдаги болалар учун айти мудаодир.

Полимер лой ёки чинни хамирнинг хусусиятлари билан боланинг ўзи мустақил танишиши тавсия этилади. Ҳеч қандай кўрсатмаларсиз, ҳеч нарсани ўргатмай туриб унинг қўлига бу материал берилади ва қўл ҳаракатлари орқали ўзи табиий равишда танишади. Бу шундай қулай материалки, у «итоаткор», қўлнинг ҳар қандай ҳаракатига жавоб беради. Бу топилманинг чегаралари очиб юборилса, бола тажрибасини янада бойитиш мумкин.

Болага турли материаллар билан ишлаш имкониятини бериш тавсия этилади. Хамир, ёпишқоқ қор, ҳўл қум, сақич кабиларнинг лой ва пластилинга ўхшаш хусусиятлари мавжудлигига амин бўлади. Уларни осонгина турли шаклга ўзгартириш мумкин.

Бола пластик материал билан ишлаш малакасини эгаллар экан, ўзига янги «ихтиролар» очади. Энди у нафақат пластик материал билан ишлашни эгаллайди, балки материалга таъсир этиш соҳаларини текширади. Демак, у бир бутун лойдан бир бўлакни узиб олишни, бураб олишни, чимчилаб олишни ва шаклини ўзгартиришни билиб олади [2,7]. Бунинг учун у лойни эзиш ёки яссиллаш, жувалаш ёки чўзиш, ёки яна бир нарса қилиш мумкинлигини кўради.

Лойни бошқа бўлакка ёпиштириш, бу билан унинг ёпишиб қолиши, қоғозга ёки тахтачага суртиш мумкинлиги билан танишиб, унинг устига тирнаб чизиш, кейин қўл билан силлиқлаб чиқиш ва расм йўқолганини кўриш каби экспериментларда бола мустақил

изланувчи ролини ўйнайди ва атроф-олам билан танишиб, ўзи учун муҳим билимга эга бўлади.

Шу билан бирга кўплаб бошқа материаллар – қуруқ қум, ун, манка ёрмаси ҳеч қандай шаклга эга эмаслиги ва қўллар ёрдамида уларга шакл бера олмаслигини кўради. Мактабгача ёшдаги болалар иштирокида ушбу материал билан эксперимент ўтказиш асосида тасвирга ўтиш билан ифодаланади. Қор, қум устидаги оёқ излари болага нарсаларнинг хоссалари ҳақида биринчи маълумотни беради. Бола тажриба ўтказади, қолдирилган изларни ўрганади, манбаларни аниқлаштиришга интилади («Бу изларни ким ёки нима қолдирди?»). Турли буюмларнинг «излари»ни излашга интилади. Масалан, санчқининг излари пластик маериалда қандай из қолдиришига қизиқади. Пластик материалга санчқини яссилатиб босилса, санчқининг учи тикилса, санчқи билан тирнаб чиқилса, қандай излар қолдириши болада катта қизиқиш уйғотади. Чинни хамир билан эксперимент ўтказишда жараёнида тугма, танга ёки қалам излари болада тахмин қилиш малакасини ривожлантиради. «Бу нима?», «Нимага ўхшайди?», «Нима билан бундай из қолдириш мумкин?» каби саволлар бошқаларга муражаат қилади.

Барча болалар учун умумий бўлган муҳим ютуқ – бу пластик материал билан ишлашда образ яратишдир. Бирламчи образ яратиш – барча бадий фаолиятнинг хусусияти бўлиб, шу қаторда моделлаштириш ҳамдир.

Шаклларнинг турли хил услублар ва ҳар хил қўл ҳаракатлари билан



яратилиши ҳақидаги тушунчалар аста-секинлик билан шакллантирилади. Боланинг қидирув фаолиятини фаоллаштириш учун вақти-вақти билан муаммоли вазиятлар яратилади. Масалан, бодринг ва помидорни кўрсатиб, уни ясашни таклиф этиш ёки иккита ҳар хил нарсани ўйлаб топиб, ясашни таклиф этиш. Бундай топшириқлар болада ҳар хил образлар турли хил услублар билан яратилиши ҳақидаги ўз-ўзидан шаклланаётган тушунчаларни мустаҳкамлайди.

Кейинчалик шу асосда бола нима ва қандай ясалиши ҳақидаги ўзига хос эмперик тизим, яъни сезгилар орқали тушунчаларга эга бўлади.

Мисол тариқасида цилиндр шакли қандай ясалиши, қандай қилиб уни ўзгартириш мумкинлиги борасидаги тажрибаларимизни ўртоқлашамиз.

«Кундача» ёки цилиндр – 1–1,5 ёшли боланинг мустақил ясай оладиган биринчи шакли ҳисобланади. Кейинчалик у бу билимини такомиллаштиради, узун, қисқа, йўғон, ингичка, ранг-баранг, бир хил рангли цилиндрларни ясайди. Албатта, бу нарсалар шунчаки эмас, балки улар қалам, дарахт, чўп, мих, конфет ва бошқаларни ифода этади. 2,5–3 ёшга тўлган бола шаклларга диққатлироқ қарайди ва аниқроқ бажаришга ҳаракат қилади. Энди ўзига таниш бўлган услублар ёрдамида цилиндрни тешкулча, ҳалқача ва шиллиққуртчага айлантиради.

Цилиндр шаклини ясада болага:

– пластик материал бўлагини кафтлар орасига олиб, зунасига

ҳаракатлар билан цилиндр ҳосил қилиниши;

– бир бўлак пластик материални бир кафт билан пластик материални қаттиқ сирт устида тўғри ҳаракатлар билан цилиндр ҳосил қилиниши;

– бир бўлак пластик материалдан катта ва бош бармоқ учиде тўғри ҳаракатлар билан цилиндр ҳосил қилинади; бу услубда жуда кичкина цилиндрчалар ва ингичка чўпчалар ҳосил бўлиши тўғрисидаги маълумотлар ўргатилади.

Цилиндр шаклини ўзгартириш болага:

– йўғон ва ингичка цилиндрчаларни айланага айлантириш (тешкулча, пирамида ҳалқачалари, обрuch);

– спирал шаклига бураш (илонча, шиллиққурт, гул);

– яссилаш услуби орқали тасмачага айлантириш (барг, шар);

– конус шаклини бериш (сабзи, қалпоқча);

– 2-3 та ингичка чўпчаларни бирлаштириб, ўрам ҳосил қилиш (соч ўрами, ўсимлик, колонналар) кабилар ўргатилади (2.5 илова).

Илк ёшдаги болалар томонидан ўзлаштириладиган яна бир шакл бу – шар. Болалар завқ билан олма ва ширинликларни ясаб, кўғирчоқларини меҳмон қилишади. Шунини таъкидлаш керакки, шарни ясаш техникаси цилиндрни ясаш техникасидан мураккаб ҳисобланади, чунки иккала қўлни аниқ ва изчил мувофиқлаштирувчи ҳаракат координациясини талаб этади. Бола шарсимон шаклини яратиш ва унинг



шаклини ўзгартиришни мустақил ясай олмайди.

Шарсимон шаклини яратишда болага:

– пластик материалнинг бир бўлагини кафтлар орасида думалоқлаш ҳаракати орқали;

– пластик материалнинг бир бўлагини битта кафтда қаттиқ сирт устида думалоқлаш ҳаракати орқали;

– пластик материалнинг бир бўлагини иккита бармоқ учида думалоқлатиш ҳаракати орқали; бундай усул билан жуда кичкина («кўзлар», «бурун» ва бошқ.) элементлар ҳосил бўлиши ўргатилади.

Шар шаклини ўзгартиришни ўргатишда болага:

– шарни иккала томондан озгина чўзиб, овал ёки эллипс ҳосил қилиш (киндер-сюрприз, пуфак, қовун, тарвуз шакллари);

– бир томонини чўзиш орқали (нок, лампочка шаклини) ҳосил қилиш;

– узунасига жўвалаб, бир томонга қайириш (банан, бодринг шакллари);

– кафтлар орасида яссиллаш (нон, ғилдирак шакллари);

– узунасига жўвалаб, бир томонининг конус шаклини ҳосил қилиш (музқаймоқ, пирамидача шакллари);

– шарни бир томонини яссиллаш (қуртча, ширин кулча шаклларида);

– шарнинг ўртасида бармоқ ёки қалам билан чуқурча ҳосил қилиш (кўзиқорин қалпоқчаси, пиёла, гулдон шакллари).

Шар ва цилиндрдан ясаладиган шакллар – бу ўзига хос бўлган моделлаштиришнинг «алифбо» вазифасини бажаради, шу асосда бола

уни «ўқийди» ва ҳар қандай «асарни» мустақил яратиб, моделлаштиришнинг техникасини яратади. Болалар шар, цилиндр ва диск шакллари ясаш малакасини эгаллаб олишгач, бир неча қисмдан тузилган буюмларни ясашга ўрганадилар. Масалан, пирамида, сарак-сарак кўғирчоқ, пуфак ва кубиклардан минорача, айиқ, кўғирчоқ, қуёнча ва ҳоказо. Бу буюм қисмлари 2 ёки 3 тадан ортиқ бўлмайди.

Шу тарзда болалар олган билим ва малакаларини оширадилар. Ёз давомида болалар ҳар хил мева ва сабзавотларни ясаб, зарур бўлган малака ва кўникмаларни эгаллайдилар. Тарбиячи рецептив ва репродуктив усуллардан кенг фойдаланади. Болалар билан биргаликда шар, копток, мева, қалам ва бошқа буюмларни синчовлик билан кўриб чиқадиладар. Энг муҳими, бу буюмларни қўл билан ушлаб кўришлари зарур [3,89].

Моделлаштириш техникаси усулларининг хилма-хил, ранг-баранглигига қарамай, мактабгача ёшдаги болалар уни осон эгаллашади.

Моделлаштиришнинг конструктив услуби конструктор қисмлари каби алоҳида қисмлардан иборат (номи ҳам шундан келиб чиққан).

Тарбиячи, даставвал, болаларнинг диққатини мазкур буюмнинг йирик қисмларига, кейин майда қисмларига, шаклига, рангига жалб этади. Дастлабки машғулотларда тарбиячи тасвирлашнинг техник усулларини кўрсатиб, тушунтириб беради. Шунингдек, тарбиячи болаларнинг лойдан нарсалар ясашида кўпроқ ўйин усулларидан фойдаланади. Бу гуруҳда лой машғулотлари буюмли характерга



эга бўлади, яъни болалар алоҳида, якка буюмларни ясайдилар, бу гуруҳда болалар ишига ёки фаолиятига баҳо бериш ҳам муҳим усуллардан ҳисобланади. Тарбиячи албатта болаларнинг қандай ишлаганларини ва ишни қандай бажарганликларини айтиб ўтиши лозим.

Бола ўзи ўйлаб топган образни тасаввур қилиб, қандай қисмлардан иборатлигини аниқлаб ясайди. Болалар 2–3 ёшдан бошлаб конструкторлик услуги билан ясашни бошлайдилар ва кўпинча ўзларига бу «янгиликни» мустақил «очишади».

Кўп ҳолларда кичик ёшдаги болаларда моделлаштириш қуйидаги вариантларда намоён бўлади:

– иккита бир хил шаклни бирлаштириш (мунчоқ, девор шакллари);

– ўхшаш, аммо турли ҳажмдаги шаклларни бирлаштириш (ҳалқачали пирамида, қорбобо, сарак-сарак қўғирчоқ, минора шакллари);

– турли шаклларни бирлаштириш (қўзиқорин, капалак, қуш шакллари).

Ҳайкалтарошлик услубини адабиётларда пластик ёки бутун бўлақдан моделлаштириш деб аташади [4].

Болалар лой бўлагининг майда қисмларини чўзиб чиқаришга, бармоқ билан чуқурча ҳосил қилишга, буклашга, бириктирилган қисмини маҳкам қилиб ёпиштиришга ўрганадилар. Чимдиб чиқаришни болалар жўжа, қушларни ясашда ўрганадилар. Бу жараёнда болалар буюмларни, уларнинг қисмларини, шаклни катталиқ жиҳатдан таққослашга ўрганадилар. Масалан,

курканинг тана ва бош қисмини ҳайкалтарошлиқ услубидан фойдаланиб моделлаштира бўлади, яъни бир бутун бўлақни олиб, боши ва танасини чўзиш усули билан шакллантириш тавсия этилади. Худди шу тарзда балиқ шаклини ясашдан олдин танасини овал шаклида ясаб оладилар, сўнг балиқнинг бир томонини салгина чўзиб ва думалоқлаб, балиқнинг бошини, қарама-қарши томонини кўпроқ чўзиб чиқариб, япалоқлаб, унинг думини ясайдилар, сузгичларини чимдиб чиқарадилар. Шунингдек, болалар лой бўлагини бир неча бўлақка бўлишга ўрганадилар.

Масалан, юқоридагилардан ташқари, идишлар ясашга ўрганадилар. Идишларни якка усулда, яъни юмалоқсимон ва цилиндрсимон шаклларни бармоқ билан босиб чуқурча ҳосил қилиш, бандини эса алоҳида лой бўлагидан ёки асосий лой бўлагидан чўзиб чиқариб ясаш мумкин. Болалар олган билим ва малакаларини ривожлантириб мустаҳкамлайдилар. Болалар гул, ҳашаротлар, мева солинган идишча, қўзиқорин солинган саватча кабиларни ҳам тарбиячи билан бирга лойдан ясашга, бошлаган ишларини охирига етказшга, мустақил ишлашга, ўз ишларини янги деталлар билан бойитиб боришга ўрганадилар.

Комбинациялашган услуб конструкциялаш ва ҳайкалтарошлиқ каби иккита услубни ўз ичига олади. Бола 6 ёшга тўлгач, унинг теварак-атроф ҳақидаги билим ва тажрибаси орта боради. Унинг қўл мускуллари мустаҳкамланиб, тараққий этади. У қўл бармоқлари билан нозик ҳаракатларни бажара оладиган бўлади. Унинг



руҳиятида сифат ўзгариши юз беради. Хотираси ривожланиб, диққат-эътибори ҳам тобора барқарор бўлади. Болалар олдин буюмни ясашда унинг қисмлари ва уларнинг шаклини, унинг хусусиятларини аниқ тасаввур эта оладилар. Шу билан бирга, улар буюмларни кўпроқ ҳаракатда тасвирлашга ҳаракат қиладилар. Болаларни лой ишларига ўргатишда қуйидаги вазифалар устувор бўлади: буюм шаклини, пропорциясини, унинг тузилишини, характерли деталларини ҳамда ҳаракатини тасвир этиш ва бошқалар[5].

Техник усуллар ҳам бу гуруҳда мураккаблашади. 4 ёшли болалар қисмлардан ясашса, 5–6 ёшга келиб бутун бир лой бўлагидан ясайдилар. Шу билан бирга стек билан ишлашга ҳам кенг имконият ёки ўрин ажратилади. Болалар даставвал ўзларига таниш бўлган содда буюмларни ясайдилар. Улар лой билан ишлашнинг икки усули: конструкторлик ва ҳайкалтарошлик усулларидан фойдаланиб, турли хил мева ва сабзавотларни ясайдилар. Масалан, бодринг, лавлаги, сабзи ва олма каби. Болалар шу икки усулда одам ва ҳайвонлар шакллари ясайдилар. Бу ишларнинг мазмуни асосан ўйинчоқлардан олинади.

Пластик материаллар билан ишлашда турли ёрдамчи усуллардан фойдаланилади. Болаларни буюмнинг сифатларини лойдан тасвирлашга ўргатиб борилади. Масалан, узун, қисқа, ингичка, калта, шунингдек, буюмларни вертикал, тик ҳолатда ўрнатадилар, қисмларни маҳкам бириктиришга, бирлаштирилган қисмларни силлиқлашга ўргатадилар. Болалар

аста-секин ўз ишларига мазмун беришни кенг татбиқ этадилар, асосан, бир бутун лой бўлагидан ҳайкалтарошлик усулида ясайдилар. Масалан, мушук, кучук, қуён ва бошқалар. Бутун бир лой бўлагидан тасмасимон усул билан идишлар ясайдилар, сўнг уларни безайдилар. Болалар ўзларига таниш техник усуллар ёрдамида турли нарсаларни ясайдилар. Масалан, хўроз, товуқ, ўрдак, жўжа ва бошқаларни ясаб, паррандалар шаклига мазмун берадилар. Кўпроқ натура асосида ихтиёрий лой ишларини бажарадилар.

Даставвал, буюм ёки натурани кузатиб, унинг шакли ва қисмларини бармоқ ҳаракатлари билан кўриб чиқишлари мумкин. Агар болалар яшаш усулини билишса, мустақил ясайдилар, агар билишмаса, унда тарбиячи қисман кўрсатиб беради. Ишларни бажаришда турли востилардан фойдаланса бўлади. Фломастер ва турли идишларнинг қалпоқчаларини ясалган балиқнинг «тангачаларини» из қолдириш учун ишлатиш тавсия этилади.

Стек ёрдамида кўп ҳаракатлар бажариш мумкин. Масалан, ясалган буюм устида штрихлар, «қанотчаларни» бўрттириб чиқарса бўлади.

Болалар пластик материаллардан одамлар, ҳайвонлар, идишлар, транспорт воситалари, сабзавотлар, мевалар ва ўйинчоқларни моделлаштирадилар. Мактабгача ёшдаги болага моделлаштириш материалининг пластиклиги ва тасвирланган шаклнинг ҳажмлилигини ифода этиш, расм чизишга қараганда техникаларни ўзлаштиришга имкон беради. Масалан, чизилган расмда



ҳаракатни тасвирлаш жуда кўп тайёргарликни талаб қиладиган мураккаб вазифадир, ҳайкалтарошликда эса бу муаммонинг ечими осонлашади. Бола аввал объектнинг статик ҳолатида ҳайкални моделлаштиради, сўнгра ғояларига мувофиқ унинг қисмларини букади. Мавзуларнинг хилма-хиллиги, моделлаштириш, тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари сингари, авваламбор, боланинг билим ва ижодий эҳтиёжларини қондирадиган таълим вазифаларини бажариши билан боғлиқ[6,19].

Ҳайкалтарошликда объектларнинг жойлашинув алоқаларини узатиш ҳам соддалаштирилган – объектлар худди ҳаётдаги каби композиция марказидан бирин-кетин, яқинроқ ва узоқроқ жойлаштирилади. Ҳайкалтарошликдаги истиқболли муаммолар шунчаки олиб ташланади. Ҳайкалтарошликда тасвирни яратишда асосий восита бу – ҳажмли шаклни ифода этишдир, ранг эса чекланган даражада ишлатилади. Одатда, бўялган ўйинчоқлар,

кейинчалик болалар ўйинларида фойдаланилади.

Ясалган ўйинчоқларни мунчоқлар, тугмалар, қуш патлари ва чиғаноқлар ёрдамида майда қисмларига безаклар бериб комбинациялаштира бўлади.

Хуллас, пластилин, чинни хамир, лой ва бошқа массалар билан машғулотлар болаларнинг ҳиссий тажрибасини бойитади, бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантиради, ишни якунига етказишга ўргатади, болада нутқ, диққат, фикрлаш, тасаввурни ривожлантиришга имкон беради; сабр-тоқат, қатъиятлилик, аниқлик, ишни режалаштириш ва охиригача етказиш қобилиятини тарбиялайди; улар болаларга таҳлил қилиш ва идрокни ривожлантиришни ўргатади, чунки ҳайкалтарошликда ҳар қандай буюмни акс эттириш учун унинг асосий қисмлари ва белгилари (ранг, ўлчам, шакл, нисбат, фазодаги жойлашуви)ни ажратиб кўрсатишга ёрдам беради; ўз ҳаракатларини режалаштириш қобилиятини ривожлантиради; болаларнинг атроф-олам объектлари ҳақидаги ғояларини аниқлаштиради ва мустаҳкамлайди.

References:

1. Иванова Т.Е. Занятие по лепке в детском саду. Методическое пособие. – М.: Сфера, 2010.
2. Махмудова О.А., Махмудова С.А. Maktabgacha ta`lim tizimida plastik materiallar bilan ishlash texnologiyalari..O`quv qo`llanma. "NISO POLIGRAF".-T.:2019.
3. Ветлугина Н.А. Воспитание эстетического отношения ребенка к окружающему. /Под ред. А.В.Запорожца, Т.А.Марковой. - М.: Педагогика, 1980.
4. Акилова К.Б. XX асрларда Ўзбекистон халқ амалий-безак санъати: тараққиёт муаммолари: Санъатшунос. док. дисс... автореф. – Т., 2002.
5. Казакова Т.Г. Теория и методика развития детского изобразительного творчества. - М.: ВЛАДОС, 2006.



6. Лыкова И.А. Лепим мамой. Азбука лепки. Учебно-методическое пособие для детского художественного творчества» -М 2004.